

Санътнинг сарчашмаси ёхуд

(Дуторнинг яратилиши тарихидан)

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат

музейи илмий ходими

Ш.Ахмаджонова

Дутор (форс) Ўрта Осиё, Эрон ва Жанубий Осиёда тарқалган анъанавий икки торли мусиқа асбобидир. Номи форс тилидан “икки тор” (ду- “икки”, тор- “тор”) деб таржима қилинади, бироқ Хирот дутори ўн тўртта торли бўлади.

Дутор XV аср атрофларида яратилган бўлиб, ушбу чертма мусиқа чолғуси ўзбек, тожик, уйғур, туркман, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ халқлари орасида кенг тарқалган. Ўзбек дутори эса мулойим, нафис ва ширали овози билан бошқа чолғулардан ажралиб туради. У асосан тут, ўрик, чинор каби қаттиқ ёғочдан ясалади. Чолғунинг косохонаси (резонатори) 8-12 та юпқа, бир-бирига ёнма-ён ёпиштирилган тахтача (қовурғ) дан ишланади. Косохонанинг устки, очик қисмига юпқа қопқоқ ёпилади ва косохона бўғиз орқали дастага уланади. Дуторнинг узун ва ингичка дастасига 13-17 та ипак ипдан эшилган ип ёрдамида парда боғланади. Косохона ва дастага суяк ва садафдан ишланган безак нақшлар ўйиб ёпиштирилади. Торлари учун ҳам ипак ипдан эшилган иплардан фойдаланилади. Дуторлар танавор сози (кварта), Муножат сози (квинта), Қўштор сози (унисон)га созиланади.

Уйғурларда дутор каттароқ шаклда, Туркманистонда фақат ўйма (қазма) тури, Ҳоразм ва Қорақалпоғистонда косохонаси қовурғали дуторлар билан бирга ҳажми кичик, ўйма хиллари ҳам учрайди.

Дутор якканавоз ва жўрनावоз чолғу сози бўлиб, созандадан катта ижро маҳоратини талаб этади. Дуторда якка зарб, қўш зарб, биллак зарб, бидратма, тескари зарб каби ижро усуллари мавжуд. Дутор ҳақидаги

дастлабки ёзма маълумотларни Алишер Навоийнинг замондоши Зайнулобиддин ал-Хусайний “Муסיқанинг илмий ва амалий қоидалари” номли рисоласи (16- боби) да учратиш мумкин.

Ҳозирги миллий дутор ижрочилигининг ўзига хос услублари 4 та асосий (Андижон, Тошкент, Самарқанд ва Ҳоразм) мактаблари орқали намоён бўлади. Бу ўринда дутор ижрочилигининг Наманган йўналиши XIX аср охирлари XX аср бошларида шаклланиб, ривожланиш палласига кирган эди.

XX аср ўрталарига келиб бу чолғу асбобини кўплаб хонадонларда учратиш мумкин эди. Дутор бир карашда оддий муסיқа асбоби дейиш мумкин. Чунки, дуторни махсус муסיқий билимга эга бўлмаган оддий деҳқондан тортиб, турли касб эгалари ҳам чалиши мумкин, фақат айрим куйларни яхши эслаб қолиш ва эшитиш қобилияти яхши бўлган кишилар тез орада дутор чалишни ўзлаштириб олиши мумкин бўлган. Шунинг билан бирга бу чолғу асбобининг ўзига хос мураккаб томонлари ҳам мавжуддир.

Айниқса, миллий халқ чолғу асбоблари оркестри томонидан ижро этиладиган классик куйларни ижро этишда бошқа муסיқачилар қатори дутор чаладиган машшоқлар муסיқий ноталарни мукамал билишлари талаб этилади.

Ўтган асрнинг 50-70 йилларида агар сиз кўчанинг икки томонида жойлашган ҳовлилар ёнида ўтиб қолсангиз, айрим ҳовлилардан дутор дутор чалинаётганини эшитишингиз мумкин. Дутор торлари титрамасидан томирларингизда оқаётган қонларни жўш уришини, юракларингиз тез ураётганини сезишингиз мумкин, беихтиёр куйга монанд тебрана бошлайсиз.

Дуторнинг гоҳ гумбурлаб жаранглаши, гоҳ хазин овозда нола илиши нимадан? Сехри недан?

Тоғам санъатдан йироқ бўлган касб, раҳбарлик лавозимида ишлаб юрган кезларда, ишдан чарчаб, асаблари таранг тортилган ҳолда келардиларда, уйдаги дуторни кўлларига олиб 3-4 та куйни маромига

етказиб чалар эдилар. Тез орада чарчоқлари тарқалиб кетар эди. Дуторни яна бир хусусияти одамга рухий озуқа беришида бўлса керак. Шу ўринда дуторнинг қандай ясалишини билиб олган эдим. Бундай қараганда дутор икки торли, созда кўринишда эга бўлган чолғу асбоби, аммо унинг яратилиши тарихини ҳамма ҳам билавермаса керак.

Тоғам шундай ҳикоя қиладилар: “Дутор ясаладиган қаттиқ ёғочли, масалан тут дарахти танлаб олинади. Сўнгра чуқур ўра (кудук) ўрни белгиланади. Чуқур қилиб қазилган ўранинг тубига махсус ўлчамда кесилган тут ғўлалари жойланади. Сўнгра ғўлалар устига пишиқ ғишт терилади. Сўнгра ғўлалар устига пишиқ ғишт терилади. Кудук ўн беш-йигирма йил жўшиб-тошиб сув боради, бўлажак дуторнинг ҳам дастлабки жаранги кудук тубидан бошланар экан.

Йигирма йил мобайнида кудук тубида ётган ғўлалар соя елвизакка ташлаб қўйилади. Ғўлалар обдон қуригунга қадар, яъни тўрт-беш йил уларга қўл текизилмайди. Шунча йил сув шимган ва шунча йил суви қуритилган ушбу ғўлаларни пишириш антиқа усулда кечган. Уларни ерга кўмиб, устига тандир ёки ўчоқ қурилган. Ўтлар ёқилиб ўчоқда овқат пишириб, чойгумда қайнатиладар, тандирни қиздириб нонлар ёпилган. Етти йилми, саккиз йилми ёки ўн йиллар мобайнида ўчоқ ёки тандир эскириб қолса, ўрнига янгиси қурилган. Ана, бўлажак дуторнинг тобланиши ана шундай бўлган”.

Тандир тагидан аввалги тут ғўлаларидан дутор қисмлари тайёрланиб, болахона ёки айвонга ташлаб қўйилган. Тўрт-беш йил давомида елвизакда қуритилган. Ана шундан сўнг дутор қисмлари елимланиб, намда ҳам, шамолда ҳам, офтобда ҳам тоб ташламайдиган мусиқа асбоби- дуторга айланади. Ундан кейин тайёр бўлган созга ипақдан эшилган бир жуфт тор боғланади. Ипақ ипидан созлаш йўли билан пардалар боғланади. Косахонаси ўртасига 2 ёки 4 та тешикчалар тешилади ва у ерга торларни кўтариб турувчи эшак ўрнатилади.

Шундай қилиб бир дотор қирқ йил мобайнида дунёга келар экан. Халқимизда ажойиб бир нақл бор: “Бировнинг йили ўтгунча, бировнинг умри ўтади”.

АДАБИЙОТЛАР

1. Мозийдан садо илмий-амалий, маънавий-марифий журнал 4.(68).2015 йил сони.
2. Сан'ат журнал. 2/2013 йил сони.
3. Сан'ат Ўзбекистон Бадиий Академияси журнали 1/2018 йил №78
4. Тамаддун Тарихимизни ўрганамиз 6-сон 2023 й
5. Наманган садоси газета 3 сони апрель'.
6. Наманган вилояти меъморай обидалар сирлари. Наманган нашриёти I. Ю. Юсупов. Э. Ю. Мирзалиев
7. Наманган вилояти зиёратгохлари. Наманган шаҳри 2015 й. Л. Ахмадалиева